



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№4/1

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ин ститутути

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба

чоп этилади.

Ўзбекистон худудида

тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,

Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтути ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Zubayda Ubaydullayevna Shodmanova Xizmat ko'rsatish sohasidagi korxonalarning iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash choralarini o'rganish va takomillashtirish	73
Дурбек Мирзаахмадов Хизмат кўрсатиш корхоналари рақобат устунлигини таъминлаш механизмлари	78
Bobir Xo'jaqul o'g'li Qilichov Xizmat ko'rsatish sohasi bo'lgan sug'urta va turizm korxonalari samaradorligining qiyosiy tahlili	82
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Дилбар Хасановна Асланова, Нигина Тажиевна Юсупова Оценка перспектив создания кластера в туристском секторе экономики Республики Узбекистан	87
Райхона Садриддиновна Амриддинова, Сардор Олимович Рахимов Сотрудничество между туроператорами и гостиницами как залог успешной продажи гостиничных номеров в Узбекистане	94
Farrux Oltinboyevich Husanov Turistik oqimlar va transport masalalarini modellashtirish	98
Suxrob Ramazonovich Bobokalonov Buxoro viloyatida joylashgan Afshona qishlog'ida turizm shaharchasini tashkil etish loyihasini amalga oshirish istiqbollari	102
G'ayrat Soyibovich Raupov Turizm xizmatlarini diversifikatsiyalash jarayonining konseptual modeli va diversifikatsiya matritsasi	110
Shohista Bobobekovna Toyirova O'zbekistonda ekologik turizmning yangi turizm yo'nalishi sifatida rivojlanish tendensiyasi	115
Камилла Бахромовна Суюнова Худудий брендни шакллантириш мақсадида давлат-хусусий шериклик алоқаларини ривожлантириш истиқболлари	119
Latofat Tolibovna Yo'ldosheva Samarqand viloyati turizm sohasining rivojlanish holati va tendensiyalari	123
Матлуба Абдиманабовна Куймуратова Жаҳонда туризмнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари	127
Kamol Sharifovich Yuldashev Xalqaro tajriba asosida O'zbekistonga mustaqil turistlarni jalb qilishda viza siyosatining ta'siri	132
Азиза Пирмаматовна Махмудова Туризм соҳасини инновацион ривожлантириш йўллари	137
Marjon Komilovna Sharifova Ziyorat turizmini strategik rivojlantirish va tahlil qilish yo'llari	140
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Умар Худайбердиев Оила муносабатларидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари	145
Акрам Одилович Очилов, Жаббор Махмудович Суюнов Критерии оценки деятельности субъектов предпринимательства в регионах	147
Шавкат Собирович Олтаев Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш йўллари	152

КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Умар Худайбердиев – СамИСИ доценти, и.ф.н.

ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Аннотация. Мақолада мамлакатда никоҳ қайд этишлар ва никоҳдан кейинги ажралишлар ҳолати, уларнинг сабаблари, оиладаги муаммолар ва уларнинг ечимлари ёритилган.

Калит сўзлар: Оила, никоҳларни қайд этиш, олийгоҳлар, рўзгор, никоҳдан кейинги ажралишлар, оила муқаддас, меҳр, оқибат.

Кириш. Инсонлар жуфт яратилган. Бу жуфтликни эркак ва аёл ташкил этиб -оила дейилади. Оила муқаддас даргоҳ бўлиб, унда оила аъзолари ҳар бирининг бурчлари, вазифалари бордир. Аввало, оила эркак ва аёлнинг ихтиёрийлиги, эркин розилиги асосида никоҳ орқали расмийлаштирилади. Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Ўзбекистон республикаси Оила кодексига мувофиқ никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун 18 ёш этиб белгиланган. Оила муносабатлари турли-туман бўлиб, булар энг аввало, эр ва хотин муносабатларидан бошланади. Йигит ва қиз бир-бирини ўрганиб, ўзаро ҳурматда, бир-бирига меҳрибонликда бўлиб, севги-муҳаббат занжири билан боғланган бўлса яхши, оила мустаҳкам бўлади. Оиланинг мустаҳкам бўлишига қайнонанинг таъсири ҳам катта. Қайнона уй юмушларини келинга аста – секинлик, меҳрибонлик билан ўргатиб борса, келин маълум муддат ўтгач бу юмушларни кўнгилдагидек бажара бошлайди. Акс холдачи? Қайнона келиннинг ҳар бир ҳаракатидан нуқсон қидирса, уни камситса, шахсига, ота-онасига тегадиган ҳақоратомуз сўзлар айтса. Бундай пайтда қайнона-келин муносабатлари чигаллашади. Оила муносабатларига ота-оналар, қариндошлар, дўстлар, маҳалла ҳам таъсир кўрсатади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқотда мантикий фикрлаш, мушоҳада қилиш, миқдор ва сифат, таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Оила муносабатлари, унинг ҳолати ва ўзгариши, оилавий тадбиркорлик масалалари олимлар томонидан ўрганилган, монографиялар, тавсиявий қўлланмалар чоп этилган. Бу борада айниқса, муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган ва ёш оилалар учун энциклопедик қўлланма сифатида чоп этилган “Ҳаёт ктоби” (3) муҳим аҳамият касб этади. Бу қўлланмада қиз ва йигитларни оилага тарбиялаш, севги – муҳаббат, никоҳ тузиш тартиби, эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳомиладорлик ва фарзанд тарбияси, оилавий муносабатлар, оила хўжалигини юритиш каби жуда кўп саволларга ҳаётий мисоллар билан жавоб ёзилган. Бу қўлланма ҳар бир оилада бўлиши ва яхши ўрганилиши лозим. Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ., Худайбердиев У., О.М. Пардаевлар томонидан тайёрланган “Оилавий корхона иқтисодиёти” монографиясида (4) оилавий тадбиркорлик, оила бюджетини юритиши, мустаҳкам оилани таъминловчи оимлар ёзилган. Г.М. Шодиеванинг “Оила хўжалиги фаровонлигини ошириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари” монографиясида (5) оила хўжалигининг даромадларини кўпайтириш йўллари билан оила фаровонлигини таъминлаш масалалари баён қилинган. Мақолада оиланинг асоси бўлган никоҳни қайд этишлар ва никоҳдан кейинги ажралишлар ҳолати, сабаблари, оиладаги бундай муносабатлардаги муаммолар ва уларнинг ечимлари баён қилинган.

Таҳлил ва натижалар. Оила муносабатларининг ҳолатини аниқлаш учун никоҳга қайд этиш ва никоҳдан кейинги ажралишларни ўрганиш лозим бўлади.

Ўзбекистонда қайд этилган никоҳлар сони (минг бирлик)

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2023 йил 2010 йилга нисбатан,%
		2010	2020	2021	2022	2023	
1	Қайд этилган никоҳлар сони	292,3	296,8	305,2	296,7	283,8	97,1

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2023 йил давомида 283,8 минг

бирлик никоҳ қайд этилган. Бу кўрсаткич 2010 йилдагидан 8,5 минг бирликка кам яъни 97,1 фоизга тенг.

2023 йил қайд этилган никоҳлардан 139,7 минг бирлиги (49,2%)шаҳар жойларида, 144,1 минг бирлик (50,8%) қишлоқ жойларига туғри келади. Қайд этилган никоҳларнинг энг катта қисми 81,3 фоизи ёши 25 ёшгача бўлган аёлларга туғри келади.

Ўрганишлар никоҳлар сонининг камайиши ва ёшнинг катталашувиға сабаблар кўплигини, лекин асосийлари куйидагилар эканлигини кўрсатади:

Биринчидан, 2016 йилгача ёшларни ўрта мактабларни ва коллежларни битирувчиларининг 8,0-9,0 фоизи олийгоҳларга қабул қилинар эди. Ҳозирги пайтда ёшларнинг 40,0 фоиздан кўпроғи олий ўқув юртларига қамраб олинмоқда. Натижада, қизларнинг ота-оналари қизим турмушда қийналиб қолмасин (ҳам рўзғор, ҳам ўқиш, ҳомиладорлик қабилар) деб, қизларини олийгоҳнинг охирги курсида ёки битиргандан кейин турмушга беришга розилик бермоқда. Йигитлар эса олийгоҳни тамомлаб, ишга жойлашиб, даромадли бўлгандан кейин уйланишни мақул кўришмоқда.

Иккинчидан,ёшлар Қозоғистон, Россия ва бошқа чет давлатларга бориб ишлаб, даромад қилиб, кейин уйланаман деган фикрда 2-3 йил ишлаб қолиб кетмоқда.

Ўзбекистонда қайд этилган никоҳдан кейинги ажралишлар сони (минг бирлик)

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2023 йил 2010 йилга нисбатан,%
		2010	2020	2021	2022	2023	
1	Никоҳдан кейинги ажралишлар	17,8	28,2	39,3	48,7	49,2	276,4

Жадвал маълумотларига асосан, 2023 йилда қайд этилган никоҳдан кейинги ажралишлар сони 49,2 минг бирликни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан -2,7 баробарга кўпайган. Улардан 29,9 минг бирлик шаҳар аҳолисиға туғри келиб, 60,7 фоизни ташкил этади. Ажрашганларнинг 19,3 минг бирлиги яъни 39,3 фоизи қишлоқ аҳолисиға туғри келади. Никоҳдан кейинги ажрашганларнинг ўртача ёши эркакларда 37 ёш, аёлларда эса 33 ёшга туғри келмоқда.

Никоҳдан кейинги ажралишлар сони бўйича аҳолиси кўп ҳудудлар олдиндадир. 2023 йилда Тошкент шаҳрида 6169 киши ажрашган бўлиб, 2,1 промиллени ташкил этади. Худди шундай Фарғона вилоятида -5773 киши-1,4 промилледа, Андижон вилоятида 5480 киши 1,6 промилледа, Тошкент вилоятида – 4826 киши, 1,6 промилледа.

Ажралишларнинг ҳам сабаблари кўп. Уларнинг асосийлари куйидагилардир:

- йигит ва қизларнинг бир-бирини тўлиқ ўрганмасдан, ота-оналар ташаббуси билан турмуш қуриш. Бундай ҳолларда улар бир-биримизнинг характерларимиз туғри келмади деб ажралишадилар;

- йигитларнинг уйлангандан кейин, даромад топиш учун чет элларга ишлашга кетиб, ойлаб, йиллаб келмасликлари, оиладан хабар олмасликлари;

Қишлоқ аҳолисининг шаҳар аҳолисиға нисбатан ажралишлар камроқ бўлиши ўзига хос сабаблар билан боғлиқ. Биринчидан, қишлоқ аҳолиси узоқ вақтлар бир жойда яшаб, оилалар бир-бирларини яхши билишади. Ота-оналар ҳам, қиз ва йигитлар ҳам бир-бирини яхши билишади. Натижада, бир-бириға муносиблари оила қуришади. Иккинчидан, қизлар ҳам, ўғил болалар ҳам қишлоқда ҳаётға тайёр бўлишади. Чунки, қизлар урф-одат бўйича ўзлари бажарадиган юмушлар: овқат пишириш, идиш-товоқ ювиш, уйни тозалаш, кир ювиш каби ишларни тўлиқ мустақил бажаришға тайёр бўлишади. Йигитлар ҳам уйларни енгил таъмирлаш, уй ҳайвонларига қараш, томорқадан фойдаланиш сирларини ўрганган бўлади. Шаҳарларда эса ёшлар кўпинча турли ўйинлар, дискотекалар каби жойларда танишади. Қизларға яхши кийинган, келишган, сўзға чечан йигитлар ёқади. Йигитларға ҳам яхши кийинган, чиройли қизлар ёқади. Бундай танишув, “усти ялтироқ, ичи қалтироқ” дегандек, оила қуришгандан кейин, турмушнинг айрим “мушт”ларига чидолмасдан ажралишға тушишади. Чунки, бундай ёшлар оила қуришға тўлиқ тайёр бўлмайдилар.

Хулоса ва таклифлар. Халқимизда “Сабр қилсанг етарсан муродға” деган мақол бор. Бу мақол бежизға айтилмаган, маъноси жуда чуқур. Оила қурган ёшлар турмушининг

айрим қийинчиликларини сабр билан, бир – бирини қўллаган ҳолда, меҳрибонлик билан енгишлари лозим.

Ҳозиргача ҳам ёшларнинг хоҳиш-иродаларини инобатга олмасдан, ота-оналар қизларини турмушга узатаётган, йигитларни уйлантираётганлар бор. Бу борада ота-оналар ёшларнинг бахтли оила қуришларини ўйлаб, уларнинг хоҳишларини, кўнгилларини инобатга олишлари лозим.

Қариндошлар ўртасида оила қуришнинг тиббиётда салбий таъсири исботланган. Лекин, қариндошлар ўзаро мустаҳкам бўлишлари учун оила қурадиганлар учраб туради. Бундай муносабатларга чек қўйиш лозим.

Оила қураётган ёшлар масъулиятни ҳис қилишлари лозим. Улар ота-оналар, маҳалла, ватан олдида масъулиятлидирлар. Оила қурган ёшлар ўз ота-оналарини ҳурмат-иззат қилишлари, уларга меҳрибонлик кўрсатишлари керак. Маҳалла ва Ватан олдидаги бурчлари ҳам, Ватанга садоқат билан ишлаб, унинг ҳар томонлама ривожига муносиб ҳисса қўшишлари керак бўлади.

Оиланинг инсоният олдидаги масъулияти ҳам бор. Бу масъулият ҳар томонлама етук, соғлом, баркамол фарзандларни тарбиялашдир. Ҳозирги пайтда ёшларга билим олиш, спорт билан шуғулланиш каби барча имкониятлар яратилиб, Учинчи Ренесанс пойдевори яратилмоқда. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиб, бўлажак Буюк инсонларни тарбиялаши лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т: “Адолат” 2024
2. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 2024
3. Ҳаёт китоби: Ёш оилалар учун энциклопедик қўлланма Т: “Шарқ”, 2011 й.272 б.
4. Қудратов Ғ.Ҳ ва бошқалар. Оилавий корхона иқтисодиёти Т: “Иқтисодиёт”, 2012 й.
5. Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини ошириш: муаммолар ва уларнинг ечими Т “Фан” нашриёти, 2016
6. www.stat.uz

<p>У.Худайбердиев</p> <p>Проблемы в семейных отношениях и их решения</p> <p>Аннотация: В статье описано состояние регистрации браков и разводов в стране, их причины, семейные проблемы и пути их решения.</p> <p>Ключевые слова: семья, регистрация браков, университеты, средства существования, разводы, семья священна, любовь, последствия.</p>	<p>U.Khodayberdiev</p> <p>Problems in family relationships and their solutions</p> <p>Abstract: The article describes the state of registration of marriages and divorces in the country, their causes, family problems and ways to solve them.</p> <p>Keywords: family, marriage registration, universities, livelihood, divorce, family is sacred, love, consequences.</p>
--	--

Акрам Одилович Очилов – заведующий кафедрой экономики Каршинского государственного университета, доктор экономических наук, профессор, академик Академии наук Туран,

Жаббор Махмудович Суюнов – докторант Каршинского государственного университета

**КРИТЕРИИ ОЦЕНКИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СУБЪЕКТОВ
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РЕГИОНАХ**

Аннотация: В данной статье рассматриваются критерии функционирования субъектов предпринимательства в среде сферы услуг в регионах. В ней отражены вопросы повышения эффективности деятельности субъектов предпринимательства в сфере услуг, размышления отечественных и зарубежных экономистов о развитии субъектов предпринимательства в сфере услуг, критерии оценки их деятельности, а также взгляды автора по данной проблеме.

Ключевые слова: предпринимательство, бизнес, субъекты предпринимательства, развитие предпринимательства, прибыль, бизнесмен, малый бизнес, предприниматель, экономика, сфера услуг, ресурс, частная собственность, конкуренция, рынок, доход.

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 05.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.